
КУЛОЛЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ҚАРЗДОРЛИГИ МАВЖУД...

Ижтимоий тармоқлар орқали Риштон туманидаги “Халқаро кулолчилик маркази”да газ ва свет йўқлиги сабабли кулоллар ишни тўхтатишди, деган мақолалар эълон қилинди.

Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида Риштон туман ҳунармандлар уюшмаси раиси, туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари ва “Худудгаз” Риштон тумани бўлими бошлиғи билан суҳбат олиб борилди ҳамда вазиятга ойдинлик киритилди.

Маълум бўлишича, айти дамда “Халқаро кулолчилик маркази”да фаолият юритаётган кулолларнинг электр энергиясидан 40 миллион сўм миқдорида қарздорлиги мавжуд. Бир неча кун олдин ТЭТК ходимлари уларга қарздорлик борасида огоҳлантирилган. Аммо ўзгариш бўлмаган. Натижада электр энергияси ўзиб қўйилган.

“Халқаро кулолчилик маркази”да фаолият юритаётган кулоллар “Худудгаз” Риштон тумани бўлими билан ҳали юридик шартнома тузишмаган. Шартнома тузилиши билан улар таббий газ билан таъминланади.

Яна бир масала уста кулоллар хонадонларининг кадастр ҳужжатлари ҳам мавжуд эмас. “Саноатқурилиш банк” томонидан ҳужжатлар расмийлаштиришлиги лозим. Бунинг учун кадастр тўловини амалга ошириш талаб этилади.

2021-06-13 23:24:59